

ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТИЗИМИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Мунаввархон Маъруфжонович ПЎЛАТОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳага оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни тадқиқ этилган. Шунингдек, чет эл қонунчилиги амалиёти ҳамда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: моддий жавобгарлик субъектлари, тўлиқ жавобгарлик, чекланган моддий жавобгарлик, ҳарбий қонунчилик, давлат мулки, меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, хизмат текшируви, ҳарбий хизматчи.

МАТЕРИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В СИСТЕМЕ ЮРИДИЧЕСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Мунаввархон Маъруфжонович ПУЛАТОВ

Независимый исследователь

Университет общественной безопасности Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются правовые основы материальной ответственности военнослужащих и содержание нормативных правовых документов в этой области. Также были выдвинуты предложения по совершенствованию зарубежной юридической практики и нашего национального законодательства.

Ключевые слова: субъекты материальной ответственности, ограниченная материальная ответственность, бюджетные средства, государственная собственность, трудовое право, уголовное право, гражданское право, проверка обслуживания, военнослужащий.

Маълумки, сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз осойишталигининг мустаҳкам таянчига айланди. Шу билан бирга, ҳозир дунёдаги мавжуд таҳликали вазият ва таҳдидлар Қуролли Кучларнинг мудофаа қобилятини янада юксалтириш, ҳарбий хизматни такомиллаштириш лозимлигини яққол кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони Ш.Мирзиёев ҳам янги 2024 йилда сайланган парламент олдида сўзлаган нутқида: “Ҳозирги таҳликали даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифадир. Шу боис Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътибор янада кучайтирилади” деб таъкидлади [5].

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида ҳарбий соҳа ислоҳотларида Қуролли Кучлар қўмондонлиги ва ҳудудий-ҳарбий секторларда замонавий бошқарув жорий қилиниб, бир вақтнинг ўзида қўшинлар моддий таъминоти, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника комплекс модернизация қилинди. 2025 йил 21 февралда бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Президент Ш.Мирзиёев қайд этганидек, миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги сезиларли даражада ошган. Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ва ташқи хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янги жанговар бўлинмалар тузилди, қўшинлар таркиби оптималлаштирилди. Армияни модернизация қилиш ва замонавий қуроллантиришнинг янги тизими мудофаа саноати янада ривожлантирилган, кўшимча корхоналар ташкил қилинган. Қуролли Кучларимиз томонидан 20 дан зиёд мамлакат билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 400 дан ортиқ қўшма машғулотларда юқори кўрсаткичларга эришилган [6].

Шу билан бирга фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллашиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмакда. Жумладан, жорий йил хавфсизлик Кенгаши йиғилишидан сўнг ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турар-жой ижара пули 20%га, ипотека дастури бўйича ажратиладиган кредитнинг дастлабки бадали 35%га кўтарилгани (календарь бўйича 10 йилдан ортиқ хизмат қилганларга) ҳарбий хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда [4].

Ҳарбий хизмат қонунчилик ислоҳотлари йўналишида янгидан-янги

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Асосий янгиликлардан бири бу – ҳарбий хизматчиларимизнинг моддий жавобгарлигига оид норма ижодкорлигининг такомиллашуви бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги 436-П-сон қонунига, 2021 йил 30 сентябрдаги 718-сон қонуни [1] билан киритилган ўзгартиришга асосан 5 та прим-модда (48¹, 48², 48³, 48⁴, 48⁵)дан иборат бўлган бутунлай янги 8-боб – “Ҳарбий хизматчиларнинг, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг (тингловчиларининг), ҳарбий йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги” белгиланди. Бу нормаларда ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг қонунчилик талабларини белгилаш орқали барча тоифа ҳарбий хизматчилар учун ягона унификацияланган моддий жавобгарлик шартлари, тўлиқ ва чекланган моддий жавобгарлик турлари, моддий жавобгарлик асослари ва чегаралари ўрнатилди.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий хизмат меҳнат хусусиятига эга бўлгани учун бунда кўпроқ моддий жавобгарликка оид меҳнат-ҳуқуқий институтнинг роли муҳим. Биробарин, Меҳнат кодексида 27 маротаба “моддий зарар” жумласи ишлатилиб, унинг 337-моддасида [2] ходим иш берувчига тўғридан-тўғри етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт экани, олинмаган даромадлар (бой берилган фойда) ходимдан ундирилмаслиги белгиланган. Тўғридан-тўғри етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчидаги мол-мулки, агар иш берувчи мазкур мол-мулкни бут сақланиши учун жавобгар бўлса) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчи учун мол-мулкни сотиб олиш, тиклаш ёхуд ходим томонидан учинчи шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча харажатлар қилиш ва тўловларни амалга ошириш зарурати тушунилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги ҳам шу каби

хусусиятларга эга. Яъни ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги – бу ҳарбий хизматчи давлат олдида ўз ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида давлатга етказилган моддий зарарни тўлиқ ёки қисман нақд пул билан қоплашни назарда тутадиган юридик жавобгарликнинг махсус туридир.

Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигини вужудга келтирадиган ижтимоий муносабатлар ҳарбий хизмат хусусиятлари, муҳофаа соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар, оммавий-ҳуқуқ нормалари билан ҳам тавсифланиши мумкин. Масалан, Н.М.Антонова давлат хизматида интизомни таъминлашда хизматчиларнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигини ўрнатиш лозим деб таъкидлайди [7].

Олимларнинг фикрлари ўринли. Бироқ ҳарбий хизматчилар махсус давлат хизматчиси мақомида маъмурий буйсунув муносабатида бўлса-да, улар моддий жавобгарлигининг ҳуқуқий моҳиятини фақат бир томондан Қуролли Кучлардаги маъмурий ҳуқуқий муносабатлар доирасида ўрганиш унчалик тўғри бўлмайди.

М.Нурматов қайд этганидек, ҳарбий қонунчилик ҳужжатларидан фарқли ўлароқ моддий жавобгарликка оид қоидалар меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади. Масалан, меҳнатга оид қонунчиликда моддий жавобгарликка оид нормалар белгиланган бўлса, фуқаролик қонунчилигида мулкӣ жавобгарликка оид қоидалар мустаҳкамланган [18].

Бизнинг фикризмича, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигида комплекс ҳуқуқ соҳалари иштирок этади. Юридик фанда муайян ҳуқуқ соҳасида жавобгарлик ўрнини белгиловчи учта фараз мавжуд.

С.Братус, В.Смирновларнинг фикрича, моддий жавобгарлик фуқаролик жавобгарлигининг бир тури бўлиб, ҳуқуқий тартибга солишда айрим кичик белгиларга эга. Иккинчи гуруҳ олимлари моддий жавобгарликни меҳнат ҳуқуқи предмети доирасида тартибга солинишини қайд этади. Учинчи тоифадаги муаллифлар фикрича, жавобгарликка тортишда турли хил

муносабатлар юзага келади: нафақат меҳнат, балки фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинишини таъкидлайдилар [8].

Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари баҳсли ва биз тўлиқ қўшила олмаймиз.

Ҳарбий хизматчи ёки ходимнинг меҳнат (хизмат) муносабатларидаги моддий жавобгарлик шартлари ва тартиби меҳнат қонунчилигига ўхшаш унсурларга эга. Масалан, тўлиқ ёки чекланган жавобгарлик доираси белгиланганлиги, фақат тўғридан-тўғри етказилган ҳақиқий зарар ўрни қопланиши, жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар мавжудлиги, зарарни аниқлаш бўйича хизмат текшируви ўтказилиши меҳнат-ҳуқуқий элементларга мос.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 310, 344-моддаларига кўра зарарни аниқлаш учун хизмат текшируви тайинланиши, унинг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ходимни интизомий жавобгарликка тортиш, зарар факти аниқланганда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида тақлиф-таъсиялар мавжуд бўлиши керак дейилган [17]. “Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик низом” 13-банди шунга ўхшаш қондани назарда тутиб, унга кўра ҳарбий қисм, муассаса, ҳарбий-таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларнинг командир (бошлик)лари зарарни аниқлаган заҳоти зудлик билан зарарнинг юзага келиш сабаби, унинг миқдори ва айбдор шахсларни аниқлаш учун хизмат суриштирувини тайинлаши белгиланган.

Меҳнат-ҳуқуқий жавобгарлик қоидаларини ҳарбий хизматчиларга нисбатан тўлиқ татбиқ этиб бўлмайди. Масалан, зарарни ундиришдан воз кечиш ҳуқуқи ҳарбий қонунчиликда назарда тутилмайди, ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида моддий жавобгарлиги ҳарбий хизматчи пул таъминоти маоши (ҳарбий унвон ва лавозим окладидан иборат) доирасида ундириладиган зарар миқдоридан кескин фарқ қилади. Яъни ҳарбий хизматда ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш тартибининг ўзи мавжуд эмас.

Юқоридаги жиҳатлар қуйидаги олимнинг фикрлари ўринли эканлигини тасдиқлайди. Яъни, Ю.Н.Туганов келтиришича, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини тартибга солувчи нормалар ишчи-хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалардан фарқ қилади [14].

Бизнингча, қонунчилигимизнинг асосий муаммоларидан бири, бу - ҳарбий йиғинни ўтаётган резервчилар ёки сафарбарлик хизматида жалб қилинган ҳарбий хизматга мажбур шахс томонидан етказилган зарарларни ундириш масаласи бўлиб қолмоқда. Унинг мезонлари, зарарни қоплатиш молиявий манбалари йўқ. Гап шундаки, ҳарбий йиғин даврида бу шахсларга ҳарбий хизматчилар сингари пул таъминоти берилмайди ва улар томонидан ойлик йиғин даврида етказилган моддий зарар фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ундирилади. Демак, бу ерда моддий жавобгарлик ҳақида сўз юритишга ўрин қолмайди.

Моддий жавобгарликка тортиш механизмининг мазмун-моҳияти шундаки, давлат ҳарбий хизматчини (ҳарбий йиғинга жалб қилинган шахсни) пул таъминоти билан таъминлаши ва мабодо моддий зарар ҳолати рўй берса, ушбу пул таъминотидан чегирма тариқасида ушлаб қолиш керак. Бироқ, пул таъминоти мавжуд бўлмаса, моддий жавобгарликни таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ғазиев амалиётда муаммолар юзага келаётгани сабаб пул таъминотидаги қўшимча устама тўловлар ва коэффициентларни ўзбилармонлик билан татбиқ қилиш мавжудлигини таъкидлайди [9].

М.Жайдакбаев қайд этганидек, ҳарбий хизматчиларга пул компенсация тўлашнинг тартибига риоя қилишни таъминлаш шарт [10]. Акс ҳолда пул тўлиқ қайтарилади, ташкилий-бошқарув масаласида камчиликка йўл қўйган командир (бошлик)лар ҳам чекланган моддий жавобгарликка тортилади. Меҳнат қонунчилигидан фарқли равишда моддий зарарни қоплашдан воз кечиш ваколати командир (бошлик)да мутлақо мавжуд эмас. Масалан, ҳарбий хизматчининг айби билан ортиқча олинган пул компенсация суммаси

ундан тўлиқ миқдорда ундириб олиниши ички ҳужжатларда таъкидланади [16].

Хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигида махсус қонунчилик амал қилади. Меҳнат кодексининг 11-моддаси ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Яъни, унга асосан “контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ички ишлар ва давлат божхона хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида, Миллий гвардиясида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг махсус қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади”.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигига оид муносабатларда мавжуд бўшлиқларни баратараф қилиш, шунингдек моддий жавобгарлик асосларини, жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларни, зарарни аниқлаш, ҳисоблаш ва қоплаш тартибини назарда тутувчи қоидаларни ягона ҳужжат шаклида, яъни Қонун ишлаб чиқиш орқали уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш вақт-соати аллақачон етилган.

О.Стерликова фикри юқоридаги олимнинг мулоҳазасини тасдиқлайди. Яъни унга кўра, сўнгги ўн йилликларда давлат томонидан ҳарбий хизматчи ҳуқуқий мақомини белгилайдиган қонунчилик шакллантирилган. Бироқ ҳуқуқий актларнинг етарли эмаслиги соҳага оид ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор концепциялар амалда декларатив бўлиб қолаётганини кўрсатади [13].

М.Джайдакбаев молиявий назоратнинг мавжуд норматив-ҳуқуқий базасини ечилмаган муаммоларини ҳал қилиш ва фаолиятни ягона тартибга келтириш мақсадида “Молиявий назорат тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш таклифини илгари суради [11]. Бу асосли фикр ва биз ҳам унга қўшиламыз.

Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони топшириғи асосида [3] Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси

ишлаб чиқилди (дастлаб 30.10.2023 йил, кейин 01.04.2024 йил куни ID-87514 рақам билан норматив ҳужжатлар муҳокамаси порталига чиқарилган). Унинг 4-боби – “Ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги”га бағишланиб, унинг 38-моддасида ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлиги турлари қайд этилган. Унга биноан йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатлари ва етказилган зарар учун ҳарбий хизматчилар қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибда интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва моддий жавобгарликка тортилиши таъкидланган.

Таҳлилларимизга кўра, бундай турдаги юридик жавобгарлик ҳарбий хизматчиларнинг мақомига оид Россия Федерацияси қонунининг 28-моддасида, Беларусия қонунининг 25-моддасида, Қозоғистон Республикаси қонуни 9-бобида, Турманистон Республикаси қонуни 4-бўлимининг 29-моддасида, Қирғизистон Республикаси қонуни 5-бўлими 31-моддасида, Тожикистон Республикаси қонуни 26-моддаларида [15] ўз аксини топган.

Бироқ, бу давлатлар орасида Россияда 1999 йилда ва Туркменистонда 2017 йилда алоҳида “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида” қонунлар қабул қилинган бўлиб, унда моддий жавобгарликка оид муносабатлар батафсил ҳуқуқий тартибга солинган [12].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.09.2021 й., 03/21/718/0920-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. www.lex.uz
3. Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 март ПФ-34-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.03.2023 й., 06/23/34/0139-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-71-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz

5. Мирзиёев Ш.М. Парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халққа садоқат билан хизмат қилиш даври. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. www.president.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги Хавфсизлик кенгашидаги нутқи. Хавфсизлик ва мудофаани мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. <https://president.uz/uz/lists>.

7. Антонова Н.М. Конституционно-правовой статус публичных служащих: автореферат диссертации кандидат юрид. наук. – Москва, 2012.

8. Братус С.Н. Юридик жавобгарлик ва қонунийлик // Электрон манба. <https://library.nlu.edu>.

9. Газиев Ш.М. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш: юридик фанлари дорторлиги диссертацияси. – Тошкент, 2022. – 113 б.

10. Джайдакбаев М.Т. Молиявий назорат: ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2022. – 119 б.

11. Джайдакбаев М.Т. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2023. – 55 б.

12. Закон Туркменистана от 26 августа 2017 года “О материальной ответственности военнослужащих”. <https://online.zakon.kz>; Федеральный закон РФ от 12 июля 1999 г. №161-ФЗ “О материальной ответственности военнослужащих” // <https://base.garant.ru>

13. Стерликова О.Б. Конституционно-правовые основы защиты прав военнослужащих в Российской Федерации: автореферат диссертации кандидат юридических наук. – Саратов, 2010.

14. Туганов Ю.Н. Правовое регулирование дисциплинарной ответственности военнослужащих при переходе Вооруженных сил Российской Федерации на контрактную систему комплектования: автореферат диссертации кандидат юридических наук. – Москва, 2003.

15. Федеральный закон "О статусе военнослужащих" от 27.05.1998 г. №76-ФЗ // <https://consultant.ru>.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2005 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида”ги 22-сон буйруғи.

17. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.

18. Ҳарбий ҳуқуқ: дарслик. (Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети, 2023. – 321 б.